



" 9 " июль 20 15 у. № 9

**Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми қийматини
баҳолаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, шунингдек, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг саноат фаолияти ҳисобининг статистик услубиятини янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми қийматини баҳолаш бўйича услубий низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 23 августдаги 13-сон “Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми қийматини баҳолаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2015 йилнинг 10 июнидан бошлаб кучға киритилсин.

Раис

Б.Тураев